Мазкур таснифлаш чегараларидан чиқувчи КФСМнинг форматлари мавжуд, уларга махсус КФСМ киради, масалан, мебель йуки қурилиш КФСМ. Барча бундай КФСМ, одатда, умумшаҳар иқтисодий таъсир зонасига киради, аммо улар бутун аҳолига эмас, балки маълум алоҳида миждозларга мўлжалланган бўлади.

Савдо марказлари кенгаши (СМК) Европада қабул қилинган, умумий майдонга яроқли майдон (gross leasable area – GLA)⁷ бўйича КФСМ ни қондирувчи қўллашни таклиф қилади. 2003 йилнинг апрель ойидан мазкур қўллашни барча йирик тижорат кўчмас мулки консултантлари - Jones Lang

Лангарли ижарачи – мазкур КФСМ да энг катта савдо майдонини эгаллаган ва КФСМ учун эксклюзив ассортиментга эга ижарачи, КФСМ нинг бош ижарачиси.

Российская индустрия торговых центров: рынок, технологии проблемы / Пыпин
12.11.2002.

созрачилари бўладилар. Ритейл-паркларнинг ажратиб турадиган белгилари бўлиб, уларда кўнгилочар секторларнинг йўқлиги, одатда, савдо мажмуаси майдонинг 30% гача қисмини банд қилувчи умумий фойдаланиш майдонининг – вестибюль ва техник хоналар майдонининг минималлиги шартланади. Ритейл-парклар, биринчи навбатда ер ижараси қиймати паст бўлганлиги сабабли, шаҳар чеккаси йуқи ташқарисида жойлашади. Объект транспорт қатнови яхши йўлга қўйилган бўлишини талаб қилади. Ритейл-парк қурилиши жарайунида қурилиш ва пардозлаш қийматига нисбатан иқтисодли ёндашув кузатилади. Паст нархлар ва маҳсулотларнинг катта ассортименти ҳисобига бундай объект жуда катта хизмат кўрсатиш зонасига (регионал бозор ва суперрегионал марказлар кўламига таққослана оладиган) эга бўлиши мумкин.

Бу формат Ғарбий Европа ва АҚШ да («Пауэр-марказ» номи остида) 1980-1990 йилларда тарқалган.

Ҳар бир келувчи одам ўз даромадига мувофиқ исталган нарсани харид қилиши, “бировларни кузатиш ва ўзини кўрсатиш” учун ташриф буюриши мумкин бўлган йирик савдо иншоотлари, тимлар, ярмарка ва бозорларнинг ривожланиш анъаналарининг илдизлари давлатларнинг тарихига бориб тақалади. Замонавий Ўзбекистонда янги савдо марказларининг пайдо бўлиши ва эскиларининг модернизация қилиниши хилма-хилдир, чунки регионлар турли хил иқтисодий шароитларга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хос қонунларга биноан ривожланади. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига нисбатан мумкин қадар инвестицияларга қулайлик бериш тартиби мавжуд бўлган, жаҳон миқёсидаги мегаполис сифатида қабул қилинадиган, Тошкент шаҳри пешқадамлик қилмоқда.

Иқтисодий фаолият соҳаси сифатида савдо негатив ижтимоий-сийусий ўзгаришлар таъсирига камроқ чалинади, кризис ва иқтисодий депрессиялардан сўнг тезда ўнгланади. Функционал савдо майдонларига бўлган ўсувчи талабни савдо сектори ривожланишининг асосий кўрсаткичи деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги кунда Тошкент нотураар жой фондининг

умумий ҳажмида савдо соҳасида қўлланиладиган майдонлар 20 % дан ортиқни ташкил қилади, солиштириш учун, Санкт-Петербургда бу кўрсаткич 72 %.

Худди шундай ҳолат умумий овқатланиш соҳасида ҳам кузатилмоқда. Ташкентда 3000 дан зийуд ресторанлар, барлар, кафелар, умумий овқатланиш ошхоналари, яъни ҳар 1000 кишига 0,77 объектлар хизмат кўрсатади, Берлинда бу кўрсаткич 1000 кишига 2 тани, Лондонда – 2,5 тани, Амстердамда – 3,32 ни ташкил қилади. Европа давлатлари пойтахтлари ва Ташкент аҳолисининг харид қобилиятидаги тафовутни ҳисобга олган ҳолда, шунни айтиш мумкинки, савдо иншоотларининг умумий миқдори ўсишининг тенденцияси етарли ривож топмоқда. Собиқ социалистик мамлакатлар ҳудудидаги кўчмас мулк бозорлари ривожланиши амалиёти шунини кўрсатдики, маълум иқтисодий турғунликка эришишда биринчи ва энг тез ривожланувчи бозор бўлиб савдо бинолари бозори, хусусан савдо ва савдо-қўнғилочар сектори майдонга чиқади. Бунда энг олий навли маҳсулотлар савдоси ривожланишига ҳам эътибор қаратиш лозим.

2. Офис бинолари. Ҳар бир регионда бизнес-марказларни таснифлашда бино у ёки бу синфга тегишлилигини аниқлайдиган турли хил омиллар ҳисобга олинади. Одатда, унинг жойлашган жойи; техник даражаси ва тип; бинонинг сифати (пардоз ишларининг даражаси, фасаднинг ва марказий қисмининг ҳолати, лифтларининг мавжудлиги); менеджментнинг сифати (бошқарувчи компания, ижарачилар учун қўшимча хизматларнинг мавжудлиги) ва бошқалар кўзда тутилади.

Жаҳон амалиётида бизнес-марказларни таснифлаш А, В ва С категорияларга эга. Таснифлашни янада деталлаштириш учун уч ҳарфдан иборат терминалогия (ABC)⁸ дан фойдаланилади. Офисларни таснифланишда мавжуд усуллар, ёндашувлар ва мезонлар ҳақида

⁸ Жойлашган жой бўйича объект А категорияга, техник даража ва тип бўйича В категорияга, объектнинг интеграл синфи бўйича С категорияга тегишли.

...ларга эга бўлган ҳолда, мазкур регион учун қўлланиладиган ...нинг синфлар тизимини тузиш мумкин.

...қаро таснифлаш МДХ нинг турли регионларида қўлланиладиган ...га тўғри келмаслиги мумкин (3.4.жадвал), ҳозирги кунда, ...да, асосан, бошқарувчи компанияларнинг ўзлари категорияларини ...лар, бу эса доимо объектнинг реал ҳолатини намойун ...ди ва кўчмас мулк бозори иштирокчиларини чалғитади.

... - Офис бинолари таснифи

...рия	Халқаро тасниф
	Марказий жойлашув – 1 Қулай келиш йўллари – 2 Тўлиқ янгидан қурилган бино – 3 Автотранспорт тўхташ жойи – 4 Замонавий бино ҳавфсизлиги тизимлари — 5 Профессионални ижарага олиш имконияти — 6 Тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар — 7
	1; 2; 5; 6; 7 1990 йилларда тўлиқ реконструкция қилинган бино— 8
	1; 6; 7; 8 Автоном иссиқлик таъминоти – 9 Бинода ҳавони мўтадиллаштириш тизимининг мавжудлиги – 10 Қавтларнинг алоҳида офис блоклари сифатидаги лойиҳаси – 11 «Евростандарт» да таъмирланганлик – 12 Замонавий лифтлар – 13 24 соат қўриқлаш – 14
	1; 6; 7; 8; 11; 12; 14 Қулай бўлмаган келиш йўллари бўлиши мумкин – 15
	1; 6; 7; 11; 14

	Косметик таъмирланган бино – 16
==	7; 14 Исталган жойлашув – 17 Собик ижтимоий соҳа биноси – 18 Биноларнинг исталган ҳолати – 19
=	7; 15; 17; 18; 19

Танланган категориялар вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, чунки биноларни модернизация қилиш эҳтимоли мавжуд.

Ҳозирги кунда Тошкентда 70% дан ортиқ офис бинолари ижарага берилади ва фақатгина 20-25% и сотилади. Офис биноларининг савдо бозори ижара бозорига қараганда анча ноаниқ. Битимларнинг кўпчилиги монтачисиз амалга оширилади. Шу билан бирга иккиламчи бозорда асосий шартимни инвестицион харидлар ташкил қилади.

Статистика бўйича, мамлакатимизда 70% га яқин ташкилотлар С категорияли офисларни афзал кўради. Булар миждозлар билан тўғридан-тўғри шартнома бўлмайдиган компаниялардир.

1.3. Турар жой майдонини нотурар жойга айлантиришнинг ҳуқуқий масаллари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор ишонччилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар ҳуқуқини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Уй-жой кодексининг 15-моддасида белгиланишича, яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга алоҳида ҳолатларда, мулкдорнинг ёки у ваколат берган органнинг (шахснинг) аризасига

қўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Объектларни қуриш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассасасининг аризасига кўра инспекция томонидан таъминланади. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом 6-банди, кейинги ўринларда – 357-сон Низом).

Ўй-жой қонунчилиги ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишнинг шартлари ва тартиби белгиланган. Бунга 357-сон Низомнинг 46-бандида назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилади.

Бундан ташқари, бундай ўтказишда ШНК 2.08.01-05 «Турар жой бинолари»нинг (Давархитектқурилишнинг 7.12.2005 йилдаги 67-сон буйруғи билан тасдиқланган) қоидалари ҳисобга олиниши керак. Масалан, турар жой бинолари реконструкция қилинганда биринчи қаватларда амалдаги меъёр талабларига мажбурий риоя этилган ҳолда ва манфаатдор инстанциялар, шу қўшмадан квартиралар эгалари билан келишиб, кичик савдо-маиший хизмат корхоналари, шунингдек идора ва офисларни лойиҳалаштиришга йўл қўйилади. Биринчи қаватларда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти учун қўйлар ажратилганда ШНК 2.08.01-05 билан белгиланган чекловларни ҳисобга олиш лозим. Хусусан, бу ҳужжатга биноан мавжуд биноларнинг техник пол тагидаги жойлар ва ертўлаларидан маиший хизмат ва хусусий бизнес корхоналарини жойлаштиришда фойдаланиш мумкин эмас. Нотурар жойга ўтказилаётган турар жойни реконструкция қилиш ва қайта таъмирлаштириш бўйича ишлар бажарилаётганда эса қурилиш технологияси ва лойиҳа ечимларига қатъий риоя этиш керак.

Бирок амалиётда кўпинча сейсмик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича меъёрий талабларга риоя этмаслик ҳолларини кузатиш мумкин бўлади. Бундай қоидабузарликлар бўлиб, хусусан, қуйидагилар ҳисобланади: алоҳида конструкцияларнинг таянч имкониятларини қисқартириб қўйиш билан боғлиқ ишларни бажариш, қопламаларнинг монолитлигини ва лойиҳада назарда тутилганидек конструкцияларни тиклаш ва мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни ўтказмаган ҳолда санитария-техника шартларида гидроизоляциянинг яхлитлигини бузиш; биноларни қўриққичларга ажратадиган асосий деворлар ёки ёнғинга қарши ҳисобланган қўриққичларда тешиқлар ўрнатиш ёки тўсиб қўйиш, шунингдек деворлардан ўтказувчи вентиляция, тутун ва газ қувурларида ҳаво тортишни бузувчи ишларни амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси айтилган вақтда санитария-техника шароитларини бузиш, турар жой ва ўтказилаётган жойларда шовқин таъминини бузишга олиб келади.

Бинога тақаб қурилган жойларда фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун ўрнатилган меъёрий чеклашларга ҳам кўп ҳолларда риоя қилинмайди. Хусусан, собиқ яшаш квартираларида савдо майдони 1000 квадрат метрдан ошадиган дўконларни жойлаштириш ҳоллари учрайди. Уларда ёнғин чиқариш хавфи бўлган товарлар – маиший кимё, синтетик маҳсулотлар ва қўриққич материаллари билан савдо қилинади. Уларда 35 дан ортиқ қўриққич жойига эга бўлган умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш ёки очик кабоб кўра ва манқаллар билан боғлиқ иссиқ таомлар тайёрлашга йўл қўйилмайди. Меъёрий талабларга биноан бу ер мусиқали қўриққичлар тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин эмас.

Турар жойлар нотурар жойларга ўтказилганда одатда уларнинг шартноқлари ҳам ўзгаради. Баъзан уларнинг ташқи кўриниши кўча ва майдонлар меъморий қиёфасини яхшиламайди. Уларни қурилишни тартибга солиш зонасида ва баъзан қизил чизиқлардан⁴ ташқарида жойлаштириш қўриққичлардан худудни қуриш бош режасини ва хусусан ШНК 2.08.01-05нинг 6.15-қисминини бузиш ҳисобланади. Чунончи, унга кўра турар жой биносининг унга

қурилган жойларга қаратилган деразалари бўлса, ана шу унга тақаб
қилинган жойларнинг томи сатҳи бино асосий қисми турар жой хоналари
қисмининг сатҳидан ошиб кетмаслиги керак, томни пештоқ бўйича бинонинг
асосий қисмидан чиқариш эса 3 метрдан ошмаслиги керак. Шу ва шунга
қараб қоидабузарликларни бартараф этиш учун жойни (объектни)
қайта қўйиш, қуриш, реконструкция қилиш ва қабул этиш бўйича барча
қарорларни 357-сон Низом ва ШНК 2.08.01-05 «Турар жой бинолари»
қоидаларига қатъиян мувофиқликда амалга ошириш лозим.

Жойни ўзбошимчалик билан ўзгартирган шахс унга мулк ҳуқуқини
қайтариш ва амалдаги қонунчилик меъёрларида назарда тутилган
қарорларга қатъиян мувофиқликда амалга ошириш лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.10.2013 йилдаги 288-сон қарори билан
157-сон Низомга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, 2014 йилнинг 1
январидан бошлаб турар жойни нотурар жойга ва уни аксига ўтказишга
қарор қилиш ва унинг тақдирини «бир ойна» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларини
қўллашга олиш инспекциялари беради.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказганлик учун тўлов
қилинмайди. Турар жой нотурар жой тоифасига ўтказишнинг пастки
қисмида жойлашган бўлса ўтказилиши мумкин. Қуйидаги ҳолларда турар
жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга йул қўйилмайди:

- турар жой мақсадли коммунал турар жой фондида бўлса;
- элоҳида кириш йулаги қилиш имконияти бўлмаса;
- турар жой авария ҳолатида бўлса ё кино турар жой тоифасига ўтказиш
қарори яроксиз бўлса;
- турар жой юзасидан суд муҳокамаси кетаётган бўлса — низо суд
қарорида ҳал бўлмагунгача.

Архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйлардаги турар
жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш архитектура, тарихий ва маданий

Ўдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги билан амалга оширилади. Турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ариза берувчи Инспекцияга ушбу Низомга 1 ёки 1а-қисмага мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- ариза берувчининг мавжуд бинога мулк хуқуқини ёки бошқа ашёвий хуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- «Ер геодез кадастр» давлат Қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан тайёрланган бино тархи;
- Бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишдаги розилиги;
- Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги; шунингдек турар жой архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган ҳолларда жойлашган бўлса — ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги.

Мақола. Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулкка бўлган мулк хуқуқи

Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк хусусий мулк, давлат мулки, шунингдек давлат ташкилотларининг мулки бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтказиши мумкин. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат уй-жой мулки хуқуқининг субъектларидир. Уй-жой мулки хуқуқи муддатсиз бўлиб, эгаларнинг ўзига тегишли уй-жой биносига ўз хоҳиши ва манфаатларига қараб фойдаланиш, ундан фойдаланиш ва уни бошқариш, шунингдек ўзининг ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш хуқуқидан фойдаланиши мумкин. Уй-жой биноларининг кўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуришга ёки бузишга бошқарув органларининг тегишли рухсатномаси бўлган ҳолларда йўл қўйилади. Уй-жой соҳасидаги кўчмас мулк ёки унинг бир қисмининг хусусий мулклиги миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатидан

рекламмайди ва у маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга
қилиниши лозим. Яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун
қўлланмаган жойга ўтказишга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда, турар
жойни яшаш учун қўлланмаган жойга ўтказиш мулкдорнинг ёки у
давлат берган органнинг (шахснинг) аризасига кўра туманлар ва шаҳарлар
Маҳкамаларининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Фуқаролар
ва ҳуқуқий шахслар кўп квартирали уйлардаги яшаш учун қўлланмаган
жойлардан бевосита белгиланган мақсадда фойдаланишлари шарт. Кўп
квартирали уйлардаги яшаш учун қўлланмаган жойларга саноат ишлаб
чиқаришни жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бундай жойларда амалга
оширилиши рухсат этилган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2-модда. Яшаш учун қўлланмаган жойлар мулкдорлари кўп квартирали
уйлардаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиларидир. Кўп
квартирали уйдаги яшаш учун қўлланмаган жойлар мулкдорлари бундай
жойларнинг асралишини, тегишли техник ва санитария ҳолатини
таъминлаши, жойларни ўз ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш
ишларини амалга ошириши, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни
саклаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олиши
шарт. Яшаш учун қўлланмаган жой мулкдорининг кўп квартирали
уйлардаги умумий мол-мулкни саклаш ва таъмирлаш бўйича умумий
харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга
тегишли яшаш учун қўлланмаган жой майдонига мутаносиб равишда
белгиланади. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун қўлланмаган жой
мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома
олишдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қўрган ёки
қўлланган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар
бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт.

II-Боб. “НАМУНАЛИ ХИЗМАТ” ХУСУСИЙ УЙ ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТИНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ (Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, “Кўйлик ота” маҳалласи Фарғона йўли кўчасида жойлашган кўп қаватли турар-жой биноси мисолида)

2.1. “Намунали Хизмат” ХУЖМШнинг асосий техник вазифасининг кўрсаткичлари таҳлили

Кузатув-текширув ишлари олиб борилаётган объектни ташкил этувчи ёна ва иншоотлар конструкция элементларининг техник ҳолати ва конструктив ечимлари ҳақида маълумотлар олиш учун баҳоловчи шахсан ёки ҳис равишдаги мутахассисларни жалб қилиш билан кузатув-текширув ишларини олиб боради.

Техник аҳолини ўрганишдаги тайёргарлик ишлари.

Тайёргарлик ишлари ўрганилаётган объект билан дастлабки танишиш, мавжуд ҳужжатларни йиғиш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда кузатув ишларини олиб бориш учун ишчи материалларни тайёрлашдан иборат.

“Намунали Хизмат” хусусий жой мулкдорлари ширкати Яшнобод тумани “Кўйлик ота” маҳалласида жойлашган булиб, 2007-йилда 22-январда ташкил топган. Унга тегишли умумий майдон 15248.05 кв.м ни, яшаш майдони 9213.4 кв.м, том майдони 2178 кв.м, ер тўла майдони 2275 кв.м, турар жойлар майдони 2750 кв.м ни ташкил қилади. Ширкатга тегишли 3 қаватли уйлар, 14 та кириш йўлаклари 237 та хонадон, 1 та болалар майдони, 13 та нотурар жойлари мавжуд. “Намунали Хизмат” хусусий-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори Р.М.Хамитова. Ширкат халқ билан бириктирилган. Яшовчилар сони 477 киши. ХУЖМШнинг кредиторлик қарзлари 907 365 со‘м, кредиторлик қарзлари йук. Ширкатнинг йиллик тушуми 54.100.800 со‘м булиб, ХУЖМШ ҳисобидаги жами қарз 173800 сумни ташкил қилиб шундан ҳисоб рақамидаги қолдиқ 792800 со‘м тенг.

Текширув олиб борилган сана – 29.05.2015.

Кузатув-текширув ишлари мақсади – Турар жой биносининг фойдаланилмаётган қисмидан унумли тижорат мақсадида фойдаланиш даражасини аниқлаш.

Кузатув-текширув ишлари олиб – 2501.46 сўмга тенг
борилаётган санасидаги валюта
курси(\$)

Яшнобод тумани “Кўйлик ота ” маҳалласи “Намунали Хизмат”

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг

ТИТУЛ ВАРАКАСИ

2.1.1-жадвал

ХУЖМШ ижрочи директори	Р.М.Хамитова
Бириктирилган вазирлик	Давлат авиа назорати
Бириктирилган банк Яшнобод туман филиали	Халк банки
Туман хокимлигидан	Х.Жабборов
Ахоли сони	477 киши
Ко'п каватли уйлар сони	3 та
9 каватли	3 та

Кириш йулаклари сони	14 та
Хонадонлар сони	237 та
Умумий майдони м ²	15248.05
Яшаш майдони м ²	9213.4
Том майдони м ²	2178.0
Ер тула майдони м ²	2275
Нотурар жойлар майдони м ²	2750
Болалар майдони	1 та
Нотурар жойлар	13 та
Бузиладиган жойнинг мавжудлиги	Йўқ
Дебитор карздорлик	907 365 сум
Кредиторлик карздорлик	0 сум
Ўртача йиллик тушим	54.100.800 сум
ХУЖМШ ҳисобидаги қолдиқ жами	1.738.00 сум
шундан, ҳисоб рақамидаги қолдиқ	792.800 сум
Депозит ҳисоб рақамидаги (30%)	946.0 сум

Битирув малакавий ишимда таҳлил қилинаётган “Намунали хизмат” ХУЖМШ жойлашган ўрнига кўра шаҳар марказига яқин жойлашган. Аҳоли билан биргаликда хашар уюштирган ҳолда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилган. Меваги хамда манзарали

кўчатлари экилган, дарахтлар окланган, болалар майдончаси барланган. Объект худудий жihatдан шаҳарга яқин жойлашгани учун транспорт билан яхши таъминланган.

2.1.2-жадвал

Объект жойлашган худуднинг тахлили.	
Шарҳ	Тошкент ш. Яшнобод т.
Майдонда (участкада) дарахтларнинг мавжудлиги	Мевали дарахтлар: 3 туп ўрик, 3 туп олма, 6 туп узум, 9 туп олча, 3 туп ёнғоқ, 10 туп анор. Манзарали дарахтлар: 25 туп терак
Чекка чегараси жойлашган жой	Шарқдан – Фарғона йули кучаси; Ғарбдан – очиқ дала майдони; Жанубдан – турар-жой биноси; Шимолдан – турар-жой биноси.
Транспорт билан таъминланганлик даражаси	Туман магистрал йўлидан 1.5км масофада жойлашган.
Қуллабқи материаллар (ҳужжатлар)	Объектнинг кадастр ҳужжатлари.
Эр майдонини таърифлаш	
Шаҳарсозлик бўйича зонаси	Турар-жой зонаси
Эр майдонининг умумий сатҳи	800м ²
Чекканинг шакли	Тўғри тўртбурчак
Эннога эгалик ҳуқуқи	Шахсий
Эр майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи	Тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқи

Мухандислик мавжудлиги	канализация	Ичимлик суви, электр энергия, газ таъминоти, телефон алоқа таъминоти
Маълумотлар манбаи		кадастр хужжати; лойиҳа смета хужжатлари ва б.
Топография		Текис жой
Майдоннинг зилзилавий кўрсаткичи КМҚ – 2.01.03-96 “Зил-зилавий ҳудудларда қурилиш”га кўра (қилинган)		8 балл
Қавати		9 қаватли
Лойиҳа тури		Индивидуал
Бинонинг жисмоний ҳолати		Яхши
Амалдаги фойдаланиш тури		Турар-жой

2.2. “Намунали Хизмат” ХУЖМШнинг хўжалик фаолияти таҳлили

2015-йилда амалга оширилиши керак бўлган дастурнинг асосий вазифаси уйларнинг технологик ҳолатини яхшилаш, ҳудудни обodonлаштириш ишлари, аҳолига юкори даражада хизмат кўрсатиш, ХУЖМШнинг молиявий баркарорлигини яхшилаш ҳисобланади.

Яншибод тумани "Қудлик Ота" маҳалласи "Намуналик Ашмак" ҳусусий уш жой мулкдорлари

ширкатининг фаолияти ва худуддаги мавжуд объектлар ҳолатини яхшилаш бўйича 2014-йилда амалга

Оширилган чора-тадбирлар

ДАСТУРИ

Т/г	Чора тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Бажарилад иган ишларни умумий сони	Бажарилиш муддати	Ижрочи	Назоратчи
Худуддаги кўп қаватли уйларни куз –қиш мавсумига тайёрлаш						
1	Кўп қаватли уйларни иссиқлик тизимини босим остида ювиш	Уй сони	3	1.06.15	ХУЖМШ раиси	Округ раҳбари Х.Жабборов Вазирлик ва тижорат банкдан бириктирилган маъсул
2	Кўп қаватли уйларни иссиқлик тизимини профилактик таъмирлаш	Узел сони	7	20.05.15	ХУЖМШ раиси	Округ раҳбари Х.Жабборов Вазирлик ва тижорат

№	Кўриб чиқилган уйлarning тавсифи ва тартиби	Учун сони	7	01.08.15	раис	ёриктирилган маъсул
4	<p>Кўп қаватли уйлarning томларини жорий таъмирлаш</p> <p>Фаргона кучаси 2 1-уй кв-47,95,96,111.</p> <p>Фаргона кучаси 2 2а-уй кв-18,43,44,45.</p>	M ²	1140m ² 1142m ²	1.08.15	ХУЖМШ раиси	
5	Худуддаги кўп қаватли уйлarda лифтларни алмаштириш	дона	1	1.08.15	ТШКХБ	Округ рахбари Х.Жабборов
6	Кўп қаватли уйлarning кириш йўлакларини жорий таъмирлаш	дона	4	Апрел-май	ХУЖМШ раисива Уй бошликлари	Вазирлик ва тижорат банкидан ёриктирилган маъсул
7	Кўп қаватли уйлarning ёмғир сувлари тармоқларини тозалаш	Уй сони	9	доимий	ХУЖМШ раиси Ва Уй	

Махалладаги кўп қаватли уйларда яшовчи фуқороларни хавфсизлигини таъминлаш

1	Кўп қаватли уйлардаги ер тўлалари кириш ва чордоқларига чиқиш эшикларини қулфланганлигини қайта тафтишдан ўтказиш ҳамда далолатномалар тузиш	Уй сони	7	Йил давомида	ХУЖМШ раиси ва Худудда бириктирилган участка нозири	Оқруг рахбари Х.Жабборов Вазирлик ва тижорат банкдан бириктирилган маъсул
---	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------	---	-----------------	--------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------

Ободонлаштириш ишлари

1	Махалла ва мавзеларда жойлашган ирригация тармоқларини тозалаш	р.м	250	Доимий	ХУЖМШ раисива Махалла раиси	Оқруг рахбари Х.Жабборов
2	Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақларидаги исларнитозалаш	Йўлак сони	14	Доимий	ХУЖМШ раисива Махалла раиси	Вазирлик ва тижорат банкдан бириктирилган маъсул

	Қўл қовватини ўзгаришини сўр тўлалларини қуришти тизимини тиклаган холда тартибга келтириш	сон	ў	Датумини	ХУЖМШ раисива Махалла раиси	Округ рахбари Х.Жабборов Вазирлик ва тижорат банкдан бириктирилган маъсул
4	Манзарали, игна баргли ва бошқа турдаги дарахтларни экиш	дона	10	1.04.15	ХУЖМШ раисива Махалла раиси	
5	Гул кўчатларини экиш	дона	300	15.05..15	ХУЖМШ раисива Махалла раиси	Округ рахбари Х.Жабборов Вазирлик ва тижорат банкдан бириктирилган маъсул
6	Аҳоли дам олиш масканларини яратиш	дона	2	15.06.15	ХУЖМШ раисива Махалла раиси	
7	ХУЖМШ раисининг йиллик хисоботини ўтказиш	Та	1	25.02.2016 йил	ХУЖМШ раиси ва Махалла раиси	

**Яшнобод тумани Кўйлик ога маҳалласидаги " Намунали хизмаг " ХУЖМШнинг фаолияти
ва Худуддаги мавжуд объектлар ҳолатини яхшилаш бўйича 2013-2014 йилларда амалга
ошириладиган чора-тадбирлар**

Рўйхати

№	Чора тадбирлар номи	Жами харажатлар суммаси	Молиялаштириш манбалари						амалга ошириш муддати (ой,йил)				
			ХУЖМШнинг уз маблағлари		Бириктирилган		Бирикт	Бошка					
			асосий	банк х/р	Тижора	аҳолидан	кредит	хомийли		банк	томонидан	рирлган	хомийли
			тушумла	даги	т	аҳолидан <td>кредит <td>хомийли <td>н <td>вазирл <td>маблагла <td>ри <td></td> </td></td></td></td></td></td>	кредит <td>хомийли <td>н <td>вазирл <td>маблагла <td>ри <td></td> </td></td></td></td></td>	хомийли <td>н <td>вазирл <td>маблагла <td>ри <td></td> </td></td></td></td>	н <td>вазирл <td>маблагла <td>ри <td></td> </td></td></td>	вазирл <td>маблагла <td>ри <td></td> </td></td>	маблагла <td>ри <td></td> </td>	ри <td></td>	
			ар	депозит	фаолия	иган бир	марталик	тушумла	р	маблаг	лари		
				(30%)									
1. Уларнинг техник ҳолатини яхшилаш бўйича													
	JAMI	81012000	409520	12060000				1000000				27000000	
			00										

1	УЙЛАРНИНГ ТӨМ КИРИШИНИ жорий таъмирлаш (1140м2) 1-уй кв- 47,95,96,111. Фаргона2 2а-уй кв- 18,43,44,45.	10260000	10,600000						апрел- август
2	Кўп каватли уйлارнинг йўлакларини таъмирлаш (4та йўлак) Фаргона 2 кўчаси 2 1-уй 2-йўлак 3- йўлак 5-йўлак 7-йўлак	2000000	200000	1800000					апрел- май
3	Уйларни босим остида ювиш (3та уй)	240000	240000					01,06,20 12	
4	Иссиқлик узелини профилактик таъмирлаш (7та узел)	450000	450000					20,05,20 12	
5	Жорий таъмирлаш ишлари	1200000	120000 0					йил давомид	

6	Лифтларни алмаштириш (1 та лифт) 2-уй 3-йўлак	27000000										27000000	август
2. ХУЖМШ лар худудларида ободонлаштириш ишлари													
1	Болалар майдончаларини таъмирлаш Фаргона кўчаси 2 1-уй олди	20000	200000										август
2	Ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш ишлари, аҳоли дам олиш масканларини яратиш	800000	800000										йил давоми да
2. ХУЖМШлар фаолиятини яхшилаш буйича													
1	Констовар моллари	300000	300000										йил давоми да
2	Хар бир уй йўлагига аҳоли учун зарур	250000	250000										май

Шу билан бир каторда “Намунали Хизмат” ХУЖМШларнинг ҳолатини ва ҳудуддаги мавжуд объектлар ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларнинг рўйхати юқорида жадвал асосида келтириб ўтилган. Маҳалла ва мавзеларда жойлашган ирригатсия тармоқларини , кириш йўлакларини , доимий тозалаш ишлари йўлга қўйилди . Атроф муҳит ҳолатига эҳтибор қаратилди. Бу борада бир қанча анжуманлар ўтказилди.

1. Уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш бўйича

-Қўп қаватли уй жойларнинг том қисмларини жорий ва капитал таъмирланди

- Уй йўлаклари (эшик ва ойналар, таъмирлаш ишлари)Уй лифтларини таъмирланди

- Уйнинг муҳандислик тизимларини жорий ва капитал таъмирланди

2. “Намунали Хизмат” ХУЖМШ ҳудудини ободонлаштириш ишлари

- Уй атрофидаги асфалт ва бордюрларни тикланди

- Тунги ёриткичларни таъмирланди

- Болалар майдончасини янгиси қурилди

-Спорт майдончасини таъмирланди

- Ариқлар тозаланди

- Гаражлар ўрнига автотураргоҳлар қурилди

- Қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари мунтазам равишда ҳар шанба кунини олиб борилади. Дарахтларга шакл берилди.

2.2.1-расм. 1-уй 2-йўлак .Ободонлаштирилган худуд.



2.2.2-расм. 1-уй 5-йўлак. Ободонлаштирилган худуд.



3. ХУЖМШнинг молиявий баркарорлиги


- Дебитор, Кредитор қарздорликлар қисқартирилмоқда
- Мажбурий бадал туловларини оптималлаштирилди (Кенгаш асосида)
- Хисоб рақамларига маблағ ўтказилди.

Юқоридаги 2.2.2-жадвалда кўрсатилганидек. “Намунали Хизмат” ХУЖМШда 2013-2014 йилларда Уйларнинг том қисмини жорий таъмирлаш учун 10260000, Кўп қаватли уйларнинг йўлакларини таъмирлаш учун 2000000, Уйларни босим остида ювиш учун 240000, Иссиклик узелини профилактик таъмирлаш учун 450000, Жорий таъмирлаш ишлари учун 1200000, Лифтларни алмаштириш учун 27000000, Болалар майдончаларини таъмирлаш учун 200000, Ободонлаштириш кўкаламзорлаштириш ишлари, аҳоли дам олиш масканларини яратиш учун 800000, Констотвар моллари учун 300000, Хар бир уй йўлагиди аҳоли учун зарур маълумотлар стендини ташкил қилиш учун 250000, Коммунал хизматлар қорхонасига туловлар учун 1500000, Лифтларга хизмат қўрсатиш учун 1800000, Ходимлар маоши 5та ишчи ходим учун 13812000, Бошқа харажатлар учун 1500000, ХУЖМШдаи шароитларини яхшилаш, ходимларга қулайликлар яратиш учун 2000000 сўм маблағ ажратилиб сарфланди ва бу ҳақда аҳолига хисобот мажлиси ўтказилди.

2.3. “Намунали Хизмат” ХУЖМШ худудида тижорат мақсадида фойдаланилаётган кўчмас мулк объектлари фаолияти тахлили.

Маълумки мамлакатимизда энг аввало аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг яшаши, фаолият олиб бориши учун яратилган турар ва нотурар жой биноларидан самарали фойдаланиш ва замонавий техника технологиялардан унумли фойдаланиш ҳозирги кўчмас мулк объектларидан фойдаланишнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Яшнобод туманида жойлашган “Намунали хизмат” хусусий уй жой мулкдорлари ширкатида 13 та нотурар жойлар мавжуд. “Намунали хизмат” ХУЖМШ бозор яқинида жойлашгани боис Яшнобод туман хокимияти рухсати билан аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида 2 та дорихона, 2 та гўзаллик салони, 2 та дала дўкони, 1 та маиший кир ювиш хонаси, 1 та интернет клуб, 1 та пайнет, 1 та фитнес клуб, 1 та пойабзал таъмирлаш устахонаси, 1 та нонвой хона, ҳамда 1 та футбол майдони фаолият юритиб келмоқда.



2.3.1-расм. “IDEAL” гўзаллик салони

“IDEAL” номли гўзаллик салони 2011 йил 25-мартдан Яшнобод туман хокимининг 450-сонли қарорига асосан фаолият юритиб келмоқда. Майдони 24 м². 9 қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган. Зилзилага бардоши 8 балл. Салон 2 қисмга бўлинган бўлиб эркаклар ва аёллар зали мавжуд. Тегишли ҳудуд аҳолиси ишчи ходим сифатида иш билан таъминланган. Худуднинг кам таъминланган аҳолиси учун чегирмали хизмат кўрсатилади.



2.3.2-расм “MINI MARKET” дўкони

“Мини маркет” номли дўкон 2012 йилдан буён фаолият юритиб келади. Майдони 17 м² ташкил этади. 9 каватли турар жой биносининг 1- каватида жойлашган. 1-каватдаги хонадоннинг факатгина 1 хонаси Яшнобод туман хокимининг 260-сонли қарорига асосан нотураж жойга айлантирилган.

Хусусий уй жой мулкдорлари ширкати юридик мақомга эга бўлган мустақил ташкилот бўлганлиги боис, унинг молиявий хўжалик фаолияти тегишли уй-жой фондини эксплуатация қилиш ва ундан фойдаланишни ташкил этишни таъминлашга йўналтирилади. Ширкатнинг молиявий маблағлари асосан ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари, хонадон эгаларининг кўрсатилган хизматлар учун тўлайдиган мақсадли тўловлари, тадбиркорлик ҳисобидан даромадлар (ижарага жой бериш, ташқарига хизмат кўрсатиш, тегишли ердан даромад олиш ва бошқалар), коммунал тўловларни йиғишда ёрдам кўрсатиш эвазига коммунал хизматлар кўрсатувчи

корхоналардан олинган даромадлардан, хомийлик ва васийлик маблағларидан ташкил топади.

2.3.1 жадвал

“Намунали хизмат” ХУЖМШнинг 02.01.2014 йил ҳолатига даромадлари ва харажатлари таҳлили

№	Даромад ва харажатлар номланиши	2014-йил	2015-йил	Фарқи	Ҳоизда
	Жами даромадлар	38400	41800	3400	1,02344
1	Аҳолидан мажбурий аъзолик бадали	36000	36800	800	1,02
2	Нотурар жойлардан мажбурий аъзолик бадали	2400	5000	2600	1,04
1	Хизматчилар тўлови	6480	6950	470	1,07
2	Ижтимоий суғурта	1620	1632	12	1,01
3	Тош Шах Электро энергия	1200	1230	30	1,03
4	Ертўла кимёвий тозалаш	1800	1832	32	1,02
5	Томнинг жорий ремонтлари	7100	7120	20	1,00
7	Кўзда тутилмаган харажатлар	10680	10690	10	1,00
	2.Бошқарув харажатлари	4058	4200	142	1,03
1	Бошқарув харажатлари	2400	2500	100	1,04
2	Бошқарув харажатларидан ижтимоий суғурта	900	920	20	1,02
3	Тумандаги ХУЖМШ Уюшмасига тўлов	758	800	42	1,06
1	Банк хизматлари	712	723	11	1,02
2	ХУЖМШ ишчиларига моддий ёрдам ва мукофот пуллар	1050	1080	30	1,03
3	Ижтимоий суғурта	600	630	30	1,05
	Жами харажатлари	35600	36800	1200	1,03

2.3.1- жадвалда, “Намунали хизмат” ХУЖМШнинг 02.01.2014 йил ҳолати ва 2015 йилга режалаштирилган даромадлари ва харажатлари келтирилган. Бу жадвалдан кўриниб турибдики, ХУЖМШнинг асосий оладиган даромадларини аҳолидан ва нотурар жойларни ижарасидан келиб тушадиган маблағлар ташкил қилади. ХУЖМШнинг даромадлари даражаси

кўп жихатдан асосий фондлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Асосий фондлардан қанчалик яхши фойдаланилса, даромад шунчалик кўп, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Ушбу жадвални тахлил қиладиган бўлсак аҳолидан мажбурий аъзолик бадалидан тушган пул маблағлари 2014 йил 36000000 сўмни 2015 йил эса 36800000 сўмни ташкил қилади, улар орасидаги фарқ 800000 сўм, фоизда 1.023 % ни ташкил этади. Нотурар жойларни ижарага беришдан 2014-йил 2400000 сўм маблағ йиғилган бўлса 2015- йил бу кўрсаткич 5000000 сўм бўлиши режалаштирилган. Бунинг сабаби турар жой биносининг фойдаланилмаётган майдонларидан маълум қисми тижорат учун ижарага берилган. Ширкат молиявий ахволини тахлил қиладиган бўлсак, даромади харажатларидан кўпроқ, бу натижани яхши десак бўлади. Ширкат таъмир ишларини молиялаштиришда банк кредитларидан фойдаланади. Банк хизматлари 2014 йил 712000 сўм, 2015-йил 723000 сўмни ташкил этади. ХУЖМШ ишчиларига бериладиган моддий ёрдам пуллари 2014-йил 1050000 сўмни 2015- йил 1080000 сўмни ташкил этади. Хизматчиларга 2014- йил 6480000 сўм, 2015-йилда 6950000 сўм тўланади. Улар орасидаги фарқ 470000 сўм бўлиб, 2014-йилга нисбатан 7 % га ошган. Томнинг жорий ремонтига 2014- йил 7100000 сўм, 2015 – йил эса 7120000 сўм режалаштирилган 2015-йил 2014-йилга қараганда деярли ўзгармаган.

ШҶОБ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ЁРДАМЧИ МАЙДОНЛАРИДАН ТИЖОРАТ МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

3.1 Турар жой биноларининг ёрдамчи майдонларидан тижорат мақсадида фойдаланишнинг халқаро тажрибаси.

Ривожланган давлатларнинг муаммоси – биноларнинг кўплиги ва болалар майдончалари, спорт мажмуалари, кино театрлар ҳамда боғлар ва паркларга ўхшаш фойдали жойларнинг етишмаслигидир. Энг тўғри ечим – бу каби кўнгил очар масканларни томларда барпо этиш!


Дунёнинг турли бурчакларидаги осмоўпар бинолар томларидаги майдонлардан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари кўриб чиқамиз.




3.1.1-расмда Кўп каватли турар жой биноси томида кино театр барпо этилган.

Маълумки, Санкт Петербург аҳолиси зич жойлашган давлатлардан бири хисобланади. Санкт Петербургнинг Лиго кўчасида маъданий хордик чиқариш учун ўзига хос лойиха амалга оширилган. Иншоот 27 метр баландликда жойлашган бўлсада, меҳмонлар учун барча хавфсизлик чоралари кўрилган. (3.1.2-расм)

3.1.2-расм



3.1.3-расм



3.1.3-расмда Турар жой биноси томида ресторан бунёд этилган. Бу каби иншоотлар нафақат аҳолини маъданий хордиқ чиқариши учун балки шаҳарни юқоридан бетакрор кўринишига ўз хиссасини қўшади.

3.2 Турар жой бинолари ёрдамчи майдонларидан самарали фойдаланиш йўллари

Бугунги кунда биз ҳар кадамда биринчи қаватдаги квартиралар турли мулкчилик шаклларига мансуб умумий овқатланиш, савдо корхоналари, сартарошхона, дорихона, ателье, стоматология кабинетлари, ремонт устахонаси, офис, маданий-маърифий муассасаларга айлантирилаётганлиги гувоҳи бўляпмиз. Маиший, савдо, тиббий ва бошқа хизмат тармоқлари анча кенгайганлигини унинг ижобий жиҳати дейиш мумкин – чунки бу хизматлар бизга масофа бўйича жуда яқинлашди. Айти вақтда бундай иншоотлар уй-жой фондининг қисқаришига олиб келди ва оқибатда баъзан таянч ва тўсик конструкцияларига боғлиқ жойларни мажбурий тарзда реконструкция қилишга олиб келди.

Уй жой кодекси 16- моддасида таъкидланишича “ Фуқаролар ва юридик шахслар кўп квартиралар уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан бевосита белгиланган мақсадда фойдаланишлари шарт.


Фуқаролар ва юридик шахслар яшаш учун мўлжалланмаган жойларни, қурилмаларни ҳамда инвентарни тегишли тартибда сақлашлари, зарур таъмирлаш ишларини бажаришлари, санитария ва ёнғинга қарши қоидаларга риоя этишлари, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш чораларини кўришлари шарт. Кўп квартиралар уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларга саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бундай жойларда амалга оширилиши рухсат этилган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Кўп квартиралар уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларга носаноат йўналишидаги корхона, муассаса, ташкилотларни, офисларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга йўл қўйилади.”

Кўп квартирالي уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари бундай жойларнинг асралишини, тегишли техник ва санитария ҳолатини таъминлаши, жойларни ўз ҳисобидан жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириши, кўп квартирالي уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олиши лозим.


Турар жой биносидан янада самарали фойдаланиш учун том, дахлиз, лифт, ертўла майдонларида конун доирасида лойихаларни амалга ошириш мумкин.

Маълумки Ўзбекистон куёшли ўлка, шундай экан турар жой биноси томида куёш энергиясидан самарали фойдаланиш учун батареяларни ўрнатиш ёки аҳоли куёшдан товланиши учун шарт шароит яратиш мумкин. Экологик муҳитни яхшилаш мақсадида 3.2.1 расмда тасвирланганидек “яшил олам”ни барпо этса бўлади.

3.2.1-расм.



Ертўлаларга келадиган бўлсак юқорида тахлил килинган ХУЖМШ да тренажёр заллари, дорихона, интернет клублари барпо этилган. Қолаверса ертўлаларини 3.2.2-расмда кўрсатилганидек офис сифатида ҳам ижарага бериш мумкин.



Тошкент шаҳар Тараққиёт кўчасида йўл юзасида жойлашган турар жой биноси деворидан “реклама девори” сифатида фойдаланилаётганини ҳам кўришимиз мумкин.

Турар жойларни кўп квартирали уйларда жамоат жойларига ўтказётганда, бирор бир лойихани амалга ошираётганда уйнинг яшаш муҳитини, аҳолини ноҳуш таъсирлардан ҳимоя қилишнинг зарур чораларини кўриб ўтиш керак. Масалан ўзидан ноҳуш хид таратадиган, шовкин суронли, тутун чиқадиган, соат 22.00 дан кейин фаолият юритадиган, атроф муҳитга зарарли нур таркатадиган, ўзидан ёнғин чиқазиш хавфи бўлган сингари объектларни қурилишини олдини олишимиз зарур. Акс ҳолда бундай объектлар аҳоли саломатлигига ўзининг сезиларли салбий таъсирини кўрсатади.

ХУЛОСА

Мазкур битирув малакавий ишида ўрганилган мавзу Турар-жой биноларнинг асосий фаолиятида фойдаланилмаётган ёрдамчи майдонлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш йўллари бўлиб, олиб борилган тақиқотларга асосланган ҳолда қуйидаги таклиф ва хулосаларни келтириш мумкин.

Таҳлил қилинган “Намунали Хизмат” ХУЖМШда 2013-2014 йилда амалга оширилган ва режалаштирилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиши натижасида ширкатга қарашли ҳудудларни катта қисми кўркамлашди, кўп қаватли уйларда лифтлар алмаштирилган, Кўп қаватли уйларнинг йўлаклари таъмирланган, йўлак четларига манзарали, игна баргли ва бошқа турдаги дарахтлар билан гул кўчатлари экилган, болалар ўйин майдончаси тозаланган, уй эшикларига кодланган қулфлар ўрнатилган. маҳалла ва мавзеларда жойлашган ирригация тармоқлари тозаланган, аҳоли дам олиш масканлари яратилган.

Турар жой биносининг том, ертўла, дахлиз, лифт ва деворларида турли хил лойиҳаларни амалга ошириш керак. Натижада аҳоли турмуш тарзига ҳамда ХУЖМШ бюджетига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатарди.

Тошкент шаҳрида ҳам шаҳар ҳокимияти қошида ободонлаштириш бош бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бошқарма фаолияти бевосита шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари томонидан назорат қилиб борилади. Тошкент шаҳрида ободонлаштириш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларда 35 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатади. ХУЖМШ МФЙ (Маҳалла Фуқаролар Йиғини) сингари ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот бўлгани, сабабли улар ўзини ўзи молиявий таъминлаши лозим.

Фукаро ва юридик шахслар яшаши учун мўлжалланмаган жойларни курилмаларни ҳамда инвентарларни тегишли тартибда жойлаштиришлари, зарур таъмирлаш ишларини бажаришлари, санитария ва ёнгинга карши коидаларга риоя этишлари, ёкилги энергетика ресурсларини тежаш чораларини кўришлари лозим. Кўп квартирали уйларда яшаш учун мўлжалланмаган жойларга саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бундай жойларда амалга оширилиши рухсат этилган фаолият турларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган. Кўп квартирали уйларда яшаш учун мўлжалланмаган жойларга носаноат йўналишидаги корхона муассаса, ташкилотларни, офисларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга йўл қўйилади.

Турар жой биносидан янада самарали фойдаланиш учун том, дахлиз, лифт, ертўла майдонларида конун доирасида лойиҳаларни амалга ошириш керак. Акс ҳолда бундай объектлар аҳоли саломатлигига қолаверса миллат келажагига ўзининг сезиларли салбий таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат Дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарорига Илова. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 5-сон, 33-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" Қарори. 2009 йил 3 август. № ПҚ-1167 сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Қарори 2009 й 26 октябрь. №280 сон
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрдаги 463-сонли "Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-меъёрий базасини такомиллаштириш ва янгилаш чоралари тўғрисида"ги Қарори
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2000, 16- Б.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009-2010 йиллардаги маълумотлари
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832 Фармони "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида" қонунлар тўплами,
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т: Ўзбекистон, 1993.

9. Каримов И.А. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январ.
10. ШНК1.04.03-05 Положение об организации, ремонта и технического обслуживания жилых домов, объектов коммунального и социально-культурного назначения
11. М.Қ.Зияев, В.У.Ёдгоровнинг “Бино ва иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш” . Т., 2009 йил
12. Ёдгоров В.У., Коммунал хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. 1-қисм. Т.: ТАҚИ, 2007й.
13. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Коммунал хўжалиги иқтисодиёти. ўқув қўлланма. 2-қисм. Т.: ТАҚИ, 2008й.
14. Махмудов Э.Х. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2009.
15. Симионова Н.Е. Методы оценки и технической экспертизы недвижимости. –М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2006.
16. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)
17. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
18. www.mf.uz. (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги)
19. www.google.com
20. www.yandex.ru